

Nº24 (65816)16 август, 1994 HHI СЕШАНБА Сотувда эркин

нархда.

Uzbekuemon borarapu Ba yenuprapunun razemacu

Сентябр эшик қоқмоқда

Чет эллик тенгдошларинг хаётидан

Езги таътил хам тугай деб колишар жит булиб хувиллаб қолган мактаб ховлилари яна ўкувчилар, гавжумлашмокда. Янги харакатида йили / улар мактабларда ташкил қилинган бозорлари мактаб HOMOH ошикмокдалар.

мактаб бозорлари август ойининг қилинар эди. Бу эса купчиликни бозорлари ташкил қилинди. шошириб қуяр, натижада савдо расталари олдида одамлар Бош дуконнинг узида ташкил турганингиздек, тирбанд булиб, навбат кутиб

Ана ЭДИ. шу қолди. Хадемай сентябр эшик жиҳатларни эътиборга олган суҳбатда қоқиб келади. Яқиндагина жим- холда бу йил мактаб бозорлари сотувчиси

қилинар эди, — деди биз билан гавжум, дуконнинг катта Дилором

ташкил қилинди.

Тошкентдаги "Болалар ду- куроллари

— Хар йили мактаб бозорлари киляпмиз.

анча барвақт, 10 августдан Турдиева. — Дуконларда жуда куп одам булганлигидан укув купчиликка Бу йил ўзида савдо учинчи ўн кунлигида ташкил 132-, 169-мактабларда мактаб. қилишни ташкил қилдик. Биз 41мактаб қошидаги дуконда савдо бозоримиз

сотувчиларимиз Матлуба Кодирова, Васила Убайдуллаева Ира хамда Ивановаларнинг **К**УЛИ қулига Махсулотларимиз тегмаяпти. қатор мактаб ўкувчилари отаоналари билан келиб мактаб формалари, спорт хамда оёк кийимлари, ўкув куролларини руйхат асосида бемалол харид Аввалги қилишяпти. йиллардагидек тирбанд туриб, навбат кутишлар йўқ. Бу эса ўз навбатида биз сотувчилар учун кулайлик яратса, харидорлар хам вақтлари тежалганидан мамнун булиб кетишмокда.



ЗЕРИКИШГА ФУРСАТ ЙЎК

Мукаддасхон Маматова Чирокчи туманидаги Иброхим Киличев номли 100ўрта мактабнинг 5-синфини факат аъло бахолар билан якунлади. Устозлари, тенгкурлари уни "доно киз" деб хам аташади. Жамоат ишларида фаол, хулки хам намунали. У бундай ютукларга изланувчанлиги, тиришкоклиги туфайли эришган. Шунингдек, мактабнинг юқори

хам кумаги катта булди... Хозир эса опа-сингиллар ёзги таътилда. Уй-рузгор юмушларида, томорка ишларида ота-оналарининг якин кумакчиларига

синфида ўкийдиган опаси Муаззамхоннинг

айланишган. — Таътилимиз кунгилдагидек утяпти, дейди Мукаддасхон мамуният билан. — Юмушларни булишиб олганмиз. Бушадим дегунча, севимли машгулотим — китоб ўкишга тутинаман. Бундай пайтларда жажжи сингилчам Сафура хам ёнимга келиб, "Менга хам укиб беринг" деб туриб олади. Қизиқ-қизиқ эртаклар ўқиб берсам, марок билан кулади. Якинда дадам "Олтин тарвуз" деб номланган ўзбек халқ эртаклари тупламини олиб келдилар. Ундаги ажойиб эртакларни опа-сингилларим биргаликда мазза килиб ўкияпмиз.

Биз синфдош дугоналарим — Барногул, Сохиба ва Мухайе билан тез-тез учращиб, ўкиган китобларимиз хакида сухбатлашиб турамиз. Укиб чиккан китобларимизни алмашиб ўкиймиз. Хуллас, зерикишта фурсат йўк.

> Бегмат БОБОРАХМАТОВ, Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани

хам дам, ХУНАР XAM

Туманимиз марказидаги Болалар ва ўсмирлар уйида "Рохат" болалар ёзги дам олиш оромгохи ташкил этилганлиги болалар ва ота-оналар учун айни муддао бўлди. Йулдош ака Уразметов бошчилик килаеттан бу оромгохда мавсумда 180 нафар ўтил-киз дам олишяпти.

Шуниси кувонарлики, бу масканда хордик чикараётган болалар дам олиш билан бирга хунар хам урганишмокда. Оромгохда мунтазам иш олиб бораётган бадиий хаваскорлар, гулчилик, тукиш, бичиш-тикиш тугараклари, қугирчоқ театри болалар билан гавжум.

Кизикарли саёхатларга болаларнинг жону дили. Якинда мехрибон тарбиячи опалари Дилором Шерниезова ва Мухаббат Қаландарова рахбарлигида Шовот туманига ва ҳамиша навкирон куҳна Хива шахрига саёхатда бўлиб қайтишди.

Мухаббат ЖУМАБОЕВА, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Усмон



уларнинг ота-оналари билан Мактаб бозорлари хизматда турлари анча бой. Тумандаги бир

Эътибор берсангиз, хар йили нёси" Бош дукони томонидан қоларди. шахримиздаги 40-, 41-, 92-, 102-, мактабларнинг

Куриб

жингалак соч, лўппидек юзига кулгичлари ярашиб тушган, аллақандай арабча қўшиқни хиргойи қилиб кетаётган болакай эътиборимизни тортди: Аль Хусейн Юсуф Тохир-8 ёшда. Отаси Миср Араб Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси матбуот бўлимида хизмат қилади

Луксор шахридаги бошланғич ўғил мактабининг 3-синфини болалар тамомлаган. Хозирда Юнусобод туманидаги мактабда тахсил оляпти. Беш вақт намозни канда қилмайди.

йни таътил кунлари сайлгоху соя-

Насалкин боғлар болалар билан гавжум.

Улар орасидаги қора мағиздан келган,

— Хусейн, ахволлар қалай?

ПАЛОВГА MUTAXAAA 3YP

- Кўриб турганингиздек!
- Узбекистон сенга ёкдими?
- Жудаям, ўзимни худди юртимизда юргандек хис қиляпман.
- Зерикиб қолмаяпсанми? Хар холда дўстларингдан йирокдасан?
- Тўғри, Мисрдаги дўстларим Мўмин, Иброхим, Ахмад, Салох, Абдулло, Хинд, Аманлар йироқда. Лекин тошкентлик янги дўстларим Саид ва Умидлар билан доимо биргамиз.
- Улғайгач уларни унутиб юбормайсанми? — Улғайғанимиз сари, дўстлигимиз хам улғаяборади.
- Севимли машғулотинг...
- Футбол, стол тенниси.
- Миллий таомларимиз сенга манзур бўлдими?
- Жудаям, айниқса паловга иштахам эўр. — Мисрлик болалар қандай ўйинлар
- ўйнашади? — Миллий ўйинларимиз деярли бир хил экан. Уэбек болалари ўйнайдиган "ким урди?", "арқон сакраш" каби ўйинларни биз хам севиб ўйнаймиз.
- Орзуларинг қандай? Ота касбини давож эттирсанг керак-а? — Йўқ. Мен ул ғайғач ҳарбий ўқув юртига

кириб ўқимоқчиман. Худо хохласа, зўр адвокат буламан... Кўзлари кулиб, чехрасидан нур ёгилиб

турадиган мисрлик болакай билан сухбатлашар эканмиз, ундаги кувноклик, жушкин кайфият бизга қам ўтгандек бўлди. У эса кўшик куйлаб йўлида давом этди.

> Менинг хам адабий ижод йўллаган сари дорилфунуним шу даргохни биламан. Эхтимол, бу иборалар хиёл баландпарвоз булиб эшитилар. Аммо нафсиламр гап шу.

> > "Биринчи дорилфунуним"

Бир куни Рихстилла туш курди. Тушига рахматли бобожони кириоди. Бобоси унинг бошини мехр билан силаб, жилмайиб турган эмиш. Хеч суз демасмиш. Кейин эса кулига аллақандай китобчани берибди-ю, куздан гойиб булибди.

...Парвозга чоғланган кабутар"

3-**EET**



Тонг куйлаги этаклари нопармон Қушиққа жур булар чақнаб нигохим. Уммондек давр орзумни ўпди Нихоят фалакка етибди охим.

"Шодликка етган юрак" 4-**BET**.



2-БЕТ

ёзиб

Шунингдек,

батафсил

Бугун сиз

дустлашиш

Фурсатни

севимли

қизиқиш

булган

дўстлашинг,

билан

билан

эга

Дўстлик

манзил-

гохлари

болажонлар!

Санкт-Петер-

бурглик бир

тенгдошларин

Сизлар

севимли маш улотлари

республикамиздаги балки

қушни республикалардаги

Азиз

zypyx

SU3

билан

самимий

ниятида

хақида

нафақат

хам

маъкул

самимий

дўстлашиш

манзилгох-

ларини

юборишибди.

тўхталишган.

тенгдошларингиз

бермай,

ва интилишлари сизларга

имкониятига

буляпсизлар.


маш ғулотлари,

тенгдошла рингиз

хамфикр бўлинг.

THE BOSTA HORIAHIAN TOCOGNOCIO

жажжигина набираси Рихстилла бобоси чизган расмларни шу қадар берилиб томоша қилар эдики, Навоийнинг рубоийлари эмиш... хатто хонаша бобосининг кириб келганини хам зимдан кузатди. Рихстилла расмларни синчковлик билан, тох у ён бошидан, гох бу ён бошидан қараб томоша қилар, ранг-тасвирлардан завқланар, ўзича алланималар деб пичирлаб мамнуният билан ишларга даъват этаётгандек булиб туюлаверди.



жилмайиб ҳам қуярди. Хайрулла ота набирасининг харакатларини мехр билан кузатар экан, ундаги санъатта булган хаваснинг шунчаки болаларча қизиқиш эмас эканлигини фахмлагандек булди.

Шу вокеа сабаб бўлди-ю Хайрулла ота набираси билан алохида шуғуллана бошлади. Оддий-оддий расмларни чиздириб курар, камчиликларини тушунтирар ва албатта ўзига тузаттирар эди. Набирасининг чизган суратларини жамлаб, 5 ёшга тулар-тулмас Тошкентдаги болалар ижодиёти уйи томон етаклади...

Орадан йиллар ўтди. Рихстилланинг мўйкалами хам чархлана борди. Устоз Тойир ака Болтабоевдан билмаганларини ўрганди, билганларини дўстлари билан ўртоклаша борди.

... Бир куни Рихстилла туш курди. Тушига рахматли бобожони кирибди. Бобоси унинг бошини мехр билан силаб, жилмайиб турган эмиш. Хеч суз

Хайрулла ота мусаввирлик устахонасига кирса, демасмиш. Кейин эса унинг қулига аллақандай китобчани берибди-ю куздан ғойиб булибди. суратларни бирма-бир куздан кечираёттан экан. У Рихстилла китобни кулига олиб қараса, Алишер

Курган тушини онасига айтиб берган эди: пайқамай қолди. Бобоси ҳам сездирмай набирасини "Бобонгни соғингандирсан,болам. Шунинг учун тукиргандирлар-да", деб қуя шингта колди. Рихстилланинг бу жавобдан кунгли тулмади. Назарида бобоси унга ок фотиха бериб, катта

> Дадасининг кутубхонасига кириб, худди ўша тушида бобоси қулига тутқазган китобчани топди. Рубоий ва ғазалларни мароқ билан ўқиб чикди. Сўнгра Низомий Ганжавий ғазалларини ҳам мутолаа қилди. Асарларга ишланган суратларга узоқ термулди: "Қандай ажойиб суратлар?! Қани энди мен хам шундай суратлар чиза олсам..."

> Дастлаб чизган суратларидан кунгли тулмай юрди. Шундай булса ҳам тинимсиз чизаверди. Бора-"Лайли ва Мажнун", "Пахлавонлар беллашуви", "Искандар пахлавоннинг занжирбанд этилиши". "Бахром овда" каби чизган миниатюра асарлари нафакат ўзига, балки устозига, отаонасига, дустларига хам манзур була бошлади.


> 1993 йил унинг ҳаётида унутилмас из қолдирди, Илк бор Навоий, Низомий асарларига ишлаган миниатюралари билан ёш ижодкорларнинг шахар курик-танловида иштирок этди. Муваффакиятли 1ўринни эгаллаб илк бора ғалаба нашидасини сурди. Шу йил бўлиб ўтган иктидорли болаларнинг III республика слётида иштирок этажагини эшитиб хам кувонди, хам хаяжонланди. Чунки республикадаги иктидорли тенгдошлари билан беллашишнинг ўзи булмасди-да! Уз устида жиддий мехнат қилиши, изланиш ва интилишлари самарасини берди. Слётда Рихстилланинг асарлари юкори бахоланиб, 1-ўринни қулга киритиб қайтди...

> ... Ана, ёш, умидли мусаввир Рихстилла Рахмонов ўзининг муъжазгина, ранго-ранг тасвири, жилвакор миниатюра асарларини яратиш устида жиддий изланяпти. Хаёллари паришон, нигохлари олисларга қадалған. Балки, айни шу чоғда унинг хаёлида яратажак янги асари жонланаёттандир. Унинг бу холатини баланд-баланд парвозларга чоғланаёттан оппок, бегубор кабутарга киёслагимиз келди.

Феруза ЖАЛИЛОВА, Тошкент шахри. Суратларда: ёш мусаввир Рихстилла Рахмоновнинг Навоий, Низомий асарларига ишлаган миниатюра асарлари. Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.


















Ольга ГЛАГОЛЕВА, 12 ёшда.

Хонаки гуллар парвариш қилиш




Анастасия ИЛЬИНА, 15 ёшда. Кечалари caup қилишни ёқтиради хамда маркалар тўплайди.



Андрей КУЗЬМИЧЕВ, 15 ёшда. Киноцічнослик билан қизиқади, томоша қилиш кинофильмлар **Талайгина Улардан** маркалари бор. айримларини янги орттирган дўстларига совға қилиш нияти хам йуқ эмас.



OPEXOB, 14 Павел ёшда. Спортнинг тоғ чанғиси, теннис, сузиш турлари билан шуғулланади. Эстрада гурухларини севади.



Рита ШЕТЛЕР, 10 гида. Расм чизиш, боғдорчилик, спорт — севимли машғулоти. Кучук, му-шукларни яхши куради, мехр билан парвариш қилади.

Уларнинг манзилгохлари эса куйндагича: 192286, Санкт-Петербург шахри, а/я — 31.



КЕРАКСИЗ"

Екатерингбург Якиндагина "Шанс" очилган шахрида йўналиши фондининг фаолият болалар хукукини химоя килувчи марказлар тузишдир. Болалар худди катталар қатори ўзларининг нашриётда, 10 минг нусхада факат мажбурият ва бурчларидан чоп этилди. ташқари қонуний хуқуқлари борлигини хам билишлари зарур.

Бугунги кунда "Шанс" ўзининг махсус болалар адвокатураларида қабул ишларини бошлаб юборди. Болалар дуч келган муаммолар асосан катталариинг уйларии хусусийлаштиришларидаги


хатоликлари, мактаб ва оилаларда уларнинг калтакланиши билан богликдир.

ДИМАНИНГ ЭРТАКЛАРИ

китоб Троицк шахри "Диманинг дуконларида эртаклари" номли китоб пайдо булди. Куплаб янги китоблар чикаётганлигига нашрдан қарамай буниси шахар ўзгача ахолисини диккатини "Кулоксиз тортди. айиқча", "Роял ва созловчи", "Орзулар яшайверади" каби катор эртаклардан иборат бу китоб муаллифи илмий ва аник фанлар лицейининг 6-синф укувчиси Дима Ильшдир./ Китобни Диманинг мактабдоши — 11-синф толиби Саша Шумаков безаган.

Китоб "Челябинской дом"





БЕЧОРА ҚАРҒА

Уфалик икки ўкувчи бошланишини таътил "ўзгача" кутиб олишди. Бир дукон ичида улар саккиз қути гугурт терилган капрон ипни кучадан тутиб олишган қарғанинг оёқларига боғлаб қуйишди. Сўнг "мунчок"ка ўт куйиб, бечора қушнинг ахволини томоша шайланишди. килишга Чакнаётган оловдан чучиб кетган қарға ўзини шипга, кургазмалар ойнасига ура бошлади. Ойна синди, дераза пардалари ёна бошлади. Енгиннинг олдини олишга муфаффак у булишдию, аммо 'ихтирочи"ларнинт оналари буйнига кургазмали

ойна пулини тулаш тушди.

БИР СОАТЛИК миллионерлар

Жанубий Москванинг админстратив округида истикомат қилувчи 14 ва 15 ёшли икки ўспирин ўзларини атиги бир соатгина "милдеб билишди. Ошпичок лионер" билан катта йўлга чикиб, ўтган йуловчи-вьетнамлик биринчи фукарони "ё ҳаёт, ё ҳамён", деб куркитишди. Хорижлик албатта биринчисини танлади ва ёнидаги 1.600 америка долларини (россия рублига айлантирганда миллиондан ошик) кичик боскинчиларга тутқазди.

Боскинчиларнинг "МИЛлионер"лиги узокка чузилмади. Тез орада милиция ходимлари уларни хукук-тартибот органларига топширишди.



ўкиладиган газета бўлиб, болалик хонадонларнинг барчасига кириб борганди. Унинг қизиқмаган нарсаси йўқ — болажонларнинг ўйин-кулгига тўла қувноқ **хаётлари, билим ва хунар** орттиришдаги ғайрат-интилишлари, дўстлик-қардошликни, ахлоқ-одобни сингдиришдаги сайъ-харакатлари, хаммахаммаси газета сахифаларини жонлантиб, янграб турарди.

Газета қадрдонлари қаторида қалам аҳли ҳам анчагина. Тў гриро ги, қалам ахлининг ўсиши ва балоғат палласига етишувида

газета мухим ўрин тутган. Шундайлардан биттаси мен ўзим бўламан. Газета билан якин дўст тутинганимга мана энди олтмиш бир йил бўпти. Газетанинг дастлабки ходимларидан, доимий муаллифи ва ўкувчиси бўлганим билан фахрланаман. Мендан, газета тахририятига қачон ва қандай қилиб келиб қолгансиз, деб сўрашади. 1933 йил эди. У вақтлари мен кундузи оёқ кийим фабрикасида ишлаб, кечкурун Ишчилар университетида (индустриал техникум) ўкирдим. Менда кичиклигимдан китоб ўкишга, ёзув-чизувга қизиқиш кучли эди. Адабиёт ўкитувчимиз Бахром Акбаров бу қизиқишимни билгач, мени газета идорасига етаклаб келди. Тахририятда газета мухаррири Асом Исхоков, мухаррир муовини Зиё Аминов, масъул котиб Санжар Тилла, бўлим мудири Тўлаган Соатийлар билан бирга ишлай бошладим. Улар кўмагида газетачиликни тез эгаллай бордим. Кўп ўтмай, сафимизга Самарқандда ўқиган Зафар Диёр келиб қушилди. Анчагина танилиб қолган болалар шоири Зафар газетани кичиклар адабиётининг қайнаган ўчоғига айлантиришда ғайрат кўрсатди. Султон

Туй устига туй булсин, дейди халқимиз. Жура, Қуддус Мухаммадий, Илёс Муслим, булганди. Фар ғонадаги болалар уйи душманга чиқариб жазолаш холлари булиб Яхши кунлар купрок булсин, қаётимизда. Адқам Рақмат, Шукур Саъдуллалар тарбияланувчиси Асқад газетамизнинг турарди. Бундай жазо газетамизнинг Бахтли тасодифни қаранг: севимли газетамизнинг фаол муаллифлари бўлиб фаол мухбирларидан бўлган. (Мен биринчи мухаррири Асом Исоковнинг чекига хам газетамиз "Тонг юлдузи" ("Ленин қолишди. Зафар ўзбек адабиётида шухрат дафъа сувратчимиз Петя Капустянский тушди. У яхши журналист, халол ва беозор учкуни")нинг тарихий олтмиш беш йиллик қозонган шоирлардан Чўлпон, Элбек, билан сафарга чикиб Фарғонага рахбар бўлишига қарамай иғвогарлар санаси Улуғ байрам— Узбекистон Шокир Сулаймонларни газетага борганимда, Асқад пионер сафдошлари тузоғига илинди. Буйнига йуқ ердаги Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги яқинлаштирди. Ғафур Ғулом, Қамид билан тантанали сувратда кутиб олгани ва айбларни қуйишди, жумладан "қулоқнинг тантаналарига туташиб кетади. Бунда чуқур Олимжон, Уйғун, Ғайратийлар билан гўзал Шохимардонга саёхат қилдиргани хеч қизига уйланган" деб партиядан ўчиришди, маъно кўраман ва ишонаманки, ижодий алоқани махкамлади. Шу нарса эсимдан чиқмайди). Асқад қизиқ-қизиқ ишдан хайдашди. Унинг ўрнига кейинчалик мустақиллик фидойилари орасида мазкур диққатға лойиқки, Ғафур Ғулом тахририят хабарлари, қазил-ҳузул шеърлари билан ёш катта ёзувчи булиб танилған Иўлдош газетамизнинг тарбиясидан бахраманд илтимоси билан газетага ёзиб берган газетхонлар диккатини ўзига тортгани, Шамшаров мухаррир бўлиб келди. У хам булган инсонлар, олиму фозиллар, иш- шеърларини вақти келиб жамладида, танловларда ютиб биздан китоб, дафтар, ўттиз ёшга етмаган булсада, кўпни кўрган билармонлар талайгина. Чунки бу энг куп "Мукофот" номида китоб қилиб болаларга шахмат совғалари олгани ёдимда. Улкан мураббий, қилни қирққа ёрадиган қалам

> Хаким Назир Узбекистон халқ ёзувчиси:

БИРИНЧИ ДОРИЛФУНУНИМ

бепул тақдим этди. Хуллас, навқирон ўзбек болалар адабиётимизни равнак топтириш, уни ҳаётга яқинлаштиришда газетамизнинг хизмати кўзга кўринарли бўлиб қолди.

Мени хам адабий ижод сари йўллаган биринчи дорилфунуним деб шу даргохни биламан. Эхтимол, бу иборалар хиёл баланд парвоз булиб эшитилар. Аммо нафсиламр гап шу. Мен илк бор қалам тебратишни, журналистика ва ёзувчилик боришга интилиши билан ажралиб турарди. келгуси йўлим ва такдиримни белгилаб миннатдорчилик билан эсларди. берган. Дастлабки, синов учун ёзилган хабарларим, маколаларим, лавха, йиллари шу болалар газети тахририятида сахифаларида ("Еш куч" журналида ҳам) босилиб чиққан. Тўғри, у йилларда ёзган хикояларимни хозир том маънодаги бадиий асарлар деб атай олмайман, балки бу йилдаги ҳаваскорлик машқларим бўлган. Уттизинчи йилларнинг охирларида эълон қилинган хикояларимдан бир нечтасигина хозиргача китобларимда яшаб келади. Улар — "Ииртиб ташланган хат", "Кенжа" ("Қуёш қачон тутилади?") кабилар эди.

Уз қаламини дастлаб шу газетада қайраған ёзувчилардан бири Асқад Мухтор

адиб даражасига етишган Асқад Мухтор ханузгача болаларни асарлар билан йўқлаб туришни канда қилгани йўқ.

Уз хизматлари ва ижодини газета да бошлаган машхур ёзувчи сафдошларимдан яна бири — Рахмат Файзийдир. У қалам° ишига ғоят катта масъулият билан қараган, душмани хомийси" деб матбуотда уриб синчков йигит эди. Ута изланувчанлиги, болалар тили, ички оламига чуқур кириб алифбосини шу ерда ўрганганман. Бу Кейинги вақтларгача у: Газета ўз ижодий газета жамоасида кечирганим етти йил фаолиятимнинг бешиги булиб ўтган" дея

Дўстимиз Саид Ахмад урушдан олдинги фельетон очерк ва хикояларим шу газета иш бошлаганлардан. У рассомлик мактабида ўкиш билан бирга, шу газетада амалий тажриба ўтказарди. Хабар, мақолаларга жонли безак тарзида лирик, хажвий расмлар чизиб чикарарди...

> Газетанинг "тупроғини ялаганлар" қаторида Иўлдош Шамшаров хам бўлганки, ушбу сиймо алохида таъриф-тавсияса лойиқдир. Бу ном менинг эсимга газетанинг оғир даврини тушуради. Уттизинчи йилларнинг ўрталаридан мамлакатда қатағон сиёсати кучая бошлаган. Одамларни бўлар бўлмасга қоралаш, хатто

"Тонг юлдузи" нинг 65 йиллигига

сохиби эди. Тахририятда жиддий ижодий рух ўрнатилди. Босиладиган хар бир материалга талабчанлик билан ёндошарди. Ходимларга факат ишининг сифатига қараб бахо берарди. Биз у кишидан ёзадиган нарсамизни қандай сермазмун ва сержило қилиб чиқариш, сўз устида эринмай тер тўкиб ишлаш малакасини ўзлаштирдик. Иўлдош ака "Энг яхши мақола, очерк учун" ички танловлар ўтказиб туришни ўйлаб чиқарган, ютиб чикканларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турганди. Хуллас, Йўлдош ака газетанинг умумий савиясини бир потона юкорига

кўтара олганди. Йўлдош акамиз ўта талабчан, тў гри сўз, қўл учида ишлаганларга муросасиз, мустакил фикрли одам эди. Ана шу феъллари кимларгадир ёкмади, қарабсизки, унинг бошига ҳам қатағон дарраси тушди. Уни "Халқ чикишди ва ишдан олишди...

Дадил айта оламанки, газетамиз жамоаси шұнга ўхшаш изтиробли кунларни кечирган булсада, азиз мураббийлари бошлаб берган яхши анъаналарга содик қолди. Уларнинг ибратли ишлари ва қимматли тажрибаларини эхтиёт сақлаб, қулдан қулга утказишди. Қадрли болалар газетамиз неча авлод кишиларнинг маънавий-ахлокий камолотига хайрли хизмат этиб келди ва хизмат этмокда. Биз ишонамизки, "Тонг юлдузи" мустакил республикамиз соғлом наслини — чин ватанпарварларни вояга етказишдек шарафли ва савобли ишда янги-янги ютуқларни қулга киритади.

Севимли газетамиз туйи қутлуғ булсин, у хаммавақт муштарийлар тепасида субх содик булиб чакнаб турсин!.

Кизикарли

маш ғулотларда топқир,

билимдону зукколикда

бир-бирларидан

қолишмайдилар.

тарбияланувчиларнинг

93 фоизи "иқтидорли

топилгани хам бежиз

эмас албатта. Шу

боисан булса керак,

"Камалак" тумандаги

деб

болалар"

фарзанди. Шунданми, ёшликданок тамомлади.

Мухаммадтурсун ака асли косиб кириб, уни имтиёзли диплом билан кидирув касбга кузи пишди. Мактабдан ташкилотларида ишлаб юриб хам келибоқ отаси ишлайдиган артелга косиблик касбини канда қилмади,

КОСИБЛИК — ОТА КАСБИ

қарашарди. Бу касбга мехри кийимларини тикиб бериб юрди. баландлигидан, тез орада укувини Мухаммадтурсуннинг зиммасига касбини улуғлаб хунари асқотди. Уста Тўлавой ўрганганларини Жўрабоевга шогирд тушиб, ишлай мустахкамлаш учун айни палладир. Еш бўлсада оила бошлади. **Уртамактабни** тебратди. тамомлагач Қуқондаги нефт кидирув билим юртига ўкишга

ошикар, то шомгача отасига таниш-билишлари, дустларинингоёк

Хозирги кунда Мухаммадтурсун олди. 14 ёшга тўлганида отаси ака Чорток шахридаги иктидорли оламдан ўтди. Оила бокиш, рўзгор болалар махсус мактаб-интернати тебратиш тўнгич фарзанд ёш (лицейи)да мехнат килиб, ота тушди. Хунарли хор бўлмас, Шогирдлари хам талайгина. Ёзги деганларидек, ота мерос косиблик таътил улар учун устозларидан амалда

> Махмуджон САЙРАМОВ, Наманган вилояти, Чорток шахар иктидорли болалар махсус мактаб-интернати (лицейи) болалар ва ўсмирлар уюшмаси етакчиси.



Пешку туманида доимо болажонлар билан гавжум бир сўлим маскан бор. Бу

мехнаткашларининг 130 нафардан зиёд ўғилқизларини ўз бағрига олган "Камалак" болалар ботчасидир.

Фарзандларидан кўнгли хотиржам булган отаоналарнинг ишларида унум ва барака бўлишини яхши билган ботча мудираси Тўйбегим опа Хожиева болажонларнинг соглом ва баркамол булиб

КАМАЛАК"НИНГ БОЛАЖОНЛАРИ

шарт-шароитларни яратишга тарбия муассасалари орасида интилади. Хар бир бола "энг ибратли"си деб топилган. қалбига, дилига йўл топа Бу шарафли номга муносиб оладиган Умрия Ходиева, бўлиш учун нафакат катталар, Альфия Туксонова, Холжон балки Муродова сингари жонкуяр ўзлари тарбиячилар эса болажонлар тиришадилар. даврасида ўзлари хам болаларга айланишади, гўё. Болаларнинг қай бири қушиқ куйлашга, яна бири рақста тушишга иштиёкманд.

улғайишлари учун барча 40 дан зиёд мактабгача болажонларнинг MEX астойдил

> Суратда: ҳар TOHE жажжи кичкинтойпарни мехрибон мудира опалари мана шундай қарши олади.

Тенгдошларинг ижодидан



ШОДЛИККА ЕТГАН ЮРАК

Юрагим гурсиллаб ларзага келди, Завклар секин келиб соғинчим қучди. Энг буюк орзумни елпиб майин сас. Хаёлларим олиб турналар учди. Бахорий гуллар унди қалбимдан, Умидларим шодлик сувини ичди. Кунглимга ҳамроҳлик қилган сабрлар Нурларга чулганган либослар бичди. Нурдан либос кийиб олган юрагим Турига сингдирди покликни бутун. Уйнашди гуллар-ла майин шабода, Лабларига кулгу олди хатто тун. Анвойи ифорлар анбар таратиб, Кузим гавхарига юлдуз қушилар, Қизғалдоқ кузларни узга қаратиб, Нурафшонлик ёгдусига чумилар Тонг куйлаги этаклари нопармон Кушиққа жур булар чақнаб нигохим. Уммондек давр орзумни ўпди, Нихоят фалакка етибди охим.

Тоғлар бағри бугун қип-қизил Лолазордан кийибди либос. Зора гулдек тукилса шунда, Юрагим, дардингни гулга ос. Гуё куз ёшларим шаркираб, Тогда фарёд солиб окар, ох. Юрагимдан оқиб сим-сим қон, Зилол сувдан тилайман панох. Ял-ял ёниб лолакизгалдок, Уйламас қай куни битишин. Билмас неча бахор юрагим, Лолақизғалдоққа етишин...

Маърифат МИНГБОЕВА, Навонй туманидаги 4-мактаб ўкувчиси.



(Охири. Бошланиши ўтган сонларда).

Бу орада қуёш баландроқ кутарилдию, водий бутунлай бошқача тусга кирди. Хамма ёқда турли кимматбахо тошлар, куп киррали олмослар ярақлаб кузни қамаштирарди. Сайёхлар жавохирлар водийсига тушиб қолган эдилар. Аммо офтобнинг қиздириши билан турли ғор ва каваклардан сон-саноксиз катта-кичик илонлар уйгониб, ўрмалаб чика бошлади. Улар орасида хатто филни хам бемалол ютиб юборадиган бахайбат илонлар хам, ингичка учар илонлар хам бор эди. Хаммаёкда гимирлаб ётган бу турки совук газандаларнинг куплигидан оёк босиб булмасди. "Е тавба, бу қандай бало, — деб кунглидан утказди Синдбод. — Рух кушидан қутилиб, бу совуқ махлуқлар сиртмоғида

Қурқоқ кемачининг кузлари аланглаб, ховликиб колди. "Эй, одамлар! — деб бакирди у юкорига қараб, — Ердам беринглар, бизни қутқаринглар!" "Кимсизлар?" — деб юқоридан қичқиришди одамлар. Уларнинг овозлари зўрга етиб келарди. "Биз сайёхлармиз! — деб ўз навбатида жавоб килди Синдбод. — Узларингиз кимсизлар?" "Биз савдогарлармиз, жавохир изловчилармиз, деган жавоб келди юкоридан. — Пастда кимматбахо тошлар купми?" "Ха, ҳа, жуда куп! — деб хеч кимга суз бермасдан бакириб юборди Абулхарис. — Мана, менда жуда куп жавохир бор, мени қутқаринглар! — дерди у жон-жахди билан икки кузини юқоридан узмасдан. Тепадагилар бироз жим. қолишди. Сўнг: "Сен кимсан, исминг нима, ёнингдагилар ким?" — деб сўрашди. "Менинг исмим Абулхарис, менда

кемачини тортиб олишга киришдилар. Аммо бу иш осон булмади. Чунки бақалоқ улгудай семиз эди-да. Тепадагилар уни аранг чикаришди. "Сен гириғумни тортиб олгунча она сутимиз оғзимизга келди-я, — деб унга ҳазиллашди Қурқмас кемачи. — Нима қилардинг буёққа чиқиб? Пастда жавохирлар куп дейишади, қолаверсанг булмасмиди?" "Э, илонларга ем булиб кетишимга сал қолди, тош-поши хам куриб кетсин!" — деди Қурқоқ кемачи. Энди охирида қолган Абулҳарисни тортиб олиш керак эди. Бу иш Қурқоқ кемачиникидан ҳам қийин булди. Уни купчилик булиб тортишса хам кутариша олмас, зил-замбилдай оғир. "Нима бало? — деб ҳайрон булди Қурқмас кемачи. — Ахир у Абулхасандек семиз эмасди шекилли?" Улар савдогарни анчагина жойга кутаришганда бирдан "тарс-

турс" деган товуш эшитилди. Аркон узила бошлаган эди. "Эй, Абулхарис, нега бунчалик оғир булиб кетдинг? деди пастга қараб Қурқмас кемачи. — Огох бул, арқон узиляпти, ортикча юкинг булса ташлаб юбор!" Аммо Абулхарис мик этмади. У жонидан ажралса ажралардики, қуйнига жойлаб олган кимматбахо тошларни ташламасди. Аркон яна "шарт-шурт" этди. "Тошларингни ташла, булмаса ўласан!" — деб кичкиришди тортиб олувчилар. Абулхарис эса пастдан туриб: "Мени тезрок тортиб олинглар, гавхарларим куп, сизларга хам бераман!" — деб қичқирди. Аммо

бирдан арқон шартта узилди-ю, савдогар дахшат билан дод солганича пастга кулади. Унинг очкузлиги бошига етган эди. "Ана, уша жавохирлари билан қушмозор булди", — деди Қурқмас кемачи бош чайқаб.

Синдбод ўз халоскори бўлмиш Кўркмас кемачидан ўша улкан балиқ воқеасидан кейин қандай тирик қолганлигини суради. Абулборий уз бошидан ўтганларни гапириб берди. Уша фалокат пайтида у хам бошка йўловчилар қаторида сувда қолиб кетибди, сунг бир ёғочга тирмашиб олиб денгизда узок сузибди. Бахтига уни ўтиб бораётган кемадагилар кўриб, қутқариб олишибди. Улар кимматбахо тошлар билан савдо килувчи савдогарлар булиб, узок тоглар орасидаги илонлар водийсига жавохир излаб боришаёттан экан. Абулборий улар билан бирга бу ерга келибди. Жавохирлар водийсига тик чуккилар туфайли тушиб булмас, бунинг устига у ердаги дахшатли илонлардан хамма қурқар экан. "Бу ўлим водийсидан бирорта одам тирик чиккан эмас, сизларнинг бахтларингиз бор экан!" дейишди савдогарлар сайехларга. Водийга тушиб булмаганидан улар суйилган ҳайвон гушти парчаларини узун арқон боғлаб ташлашар, сўнг гуштга епишган кимматбахо тошларни ажратиб олишар экан. Шунда Синдбод: "Тагин | гушт ўрнига мени кутариб олиб, зарар курманглар", деб киссасидаги бор тошларни уларга берди. Савдогарлар миннатдорчилик билан олишди. Куркмас кемачи бир четда шумшайиб ўтирган Қўрқоқ кемачига юзланиб: "Эй, бақалоқ, сени ҳам бир қоп гушт урнида зурға тортиб чикардик, кани, бизларга хам атаганинг борми?" — деди. Бунга жавобан Қурқоқ кемачи уёқ-буёгини қараб: "И-е, мана икки товонимга иккита тош епишиб қолибди", — деб икки жавохирни Куркмас кемачи ва унинг шерикларига берди. Улар хурсанд булиб олишди.

Гавхар изловчилар Синдбод ва Куркок кемачига сув ва таомлар бериб, ташналик ва очлик азобидан халос қилдилар. Сўнг бир неча бор илонлар водийсига гушт парчаларини ташлаб, етарли гавхар, кимматбахо тошлар олишгач йўлга тушишди. Кейин денгиз қиргогида колдирган кемаларига ўтириб, юртларига кайтдилар. Синдбод хам ватанига етиб олгач, халоскорлари ва шериклари — Қурқмас кемачи, Қурқоқ кемачи билан хайрлашиб, уйига қайтди. У ўз бошидан кечирган саргузаштларни, неча марта ўлимдан қолганларини эсларкан, энди тинч, осойишта умр кечираман, хеч качон саёхатта чикмайман, деб ахд килди. Лекин у сўзининг устидан чика олармикин?

ўлмасак эди". Қўрқоқ кемачи хам илонларнинг Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ Jala Jalas замонавий эртак

куплигини куриб дир-дир титрай бошлади. Синдбод ва унинг шериклари илонлардан холирок жойни излаб кетишди. Абулхарис хар илонни курганда бир сакраб тушар, аммо бирорта тош курди дегунча илоннинг остидан булса хам олиб қуйнига соларди. Киссаларига ва қуйнига жойлаган тошларнинг огирлигидан у зурга юрар, аммо ёлгиз қолсам илон еб қуймасин, деб шерикларидан ажралмасликка ҳаракат қиларди. Улар куни билан илонлардан қочиб жон сақлашди. Кеч кира бошлади. Нихоят, бир холирок горни топиб, шу ерда тунашта карор қилишди. Очлик, ташналик ва энг ёмони --қурқув уларнинг тинка-мадорларини қуритган

Гор ичи гира-шира, лекин тинч. Уларнинг кўзлари қоронгуликка бироз ўргангач, бурчакда дуппайиб турган бир нарсани куриб қолишди. Дабдурустдан уни харсангтош деб ўйлашди. Аммо бу тош гох-гох кимирлаб куярди. Дуппайиб турган бу нарса тош эмас — тухум босиб ётган катта олачипор илон экан. "Бу ердан қочайлик!" — деди Қурқоқ кемачи. "Ташқари бундан хам баттар, шу ерда жон сақлаганимиз яхшироқ, -деди Синдбод. — Эхтимол, биз тегмасак илон хам бизга дахл килмас". Улар кечаси билан мижжа қоқмай чиқишди, айниқса Қурқоқ кемачига қийин бўлди: уни уйку босиб, гох-гох хуррак отиб юборар, аммо шу захоти уйгониб, шерикларининг пинжига тикиларди. "Э, кечаги рух куши келса яна оёгига тармашиб олардим, илонларга ем булгунча уша сувсиз жазирамада ўлган яхши эмасми?" — деди у ух тортиб. "Сабр қил, сабр аччиқ, лекин меваси ширин дейдилар, — унга таскин берди Синдбод. — Бу ердан қутулишнинг ҳам бир йули топилиб қолар..." "Шу лаънати илонлар халакит бермаса тошларнинг роса кимматбахоларини топардик-да", — деб қуйди Абулхарис. Унинг фикри фақат тошларда эди. Синдбод билан Абулҳасаннинг кунглига эса хеч нарса сигмасди.

Тонг ёришиши билан улар ғорни тарк этиб, яна водий буйлаб саргардон кеза бошлашди. Баланд чуккиларга тармашиб куришди, лекин сипсиллик тошлардан юкорига кўтарилиш амру махол эди. Улар энди жонларидан умидларини узиб қуйган ҳам эдиларки, шундай олдиларига "шап" этиб, катта гушт тушди. Сайехлар халиги гуштнинг арқонга боғланганини куриб қолишди. Бир неча дақиқадан сўнг арқон таранглашиб, гуштни юқорига тортиб кетди. Гуштга бир қанча қимматбақо тошлар ёпишиб қолған эди. Гушт баланд чуккилар томонга кутарилиб кетди. Синдбод ўша ерда, жуда баландда қандайдир одамларнинг гимирлаб юрганини курди. Ушалар арқонга гушт боғлаб ташлаштанди. Буни курган

гавхар куп! — деб бақирди савдогар ховликиб. — Шерикларимнинг бирининг исми Синдбод, иккинчиси Абулхасан, лекин уларда хеч нарса йўк!" Синдбод билан Қурқоқ кемачи ўз хамрохларининг бундай турланишидан хайратда қолиб индамай туришарди. "Синдбод дедингми? деб қайтариб сўрашди юқоридан.
Қайси Синдбод, касби нима?" "Мен — саёхатчи Синдбодман! — деб кичкирди Синдбод. -Касбим дунё кезиш!" "Хозир сиз учун арқон туширамиз, — дейишди юқоридагилар. -Узингизни арқонга маҳкам боғланг!" Бу сузларни эшитган Абулхариснинг кузлари қурқувдан олайди. "Мен-чи?! Олдин мени кутқаринглар, менда жавохир куп! Шеригимда эса хеч вако йўк!" — деб бакира бошлади у. "Жим тур, бадбахт! Булмаса бу илонхонада бутунлай қолиб кетасан. Олдин шерикларингни, кейин эса сенитортиб оламиз!" — дейишди юкоридагилар. Бу сўзларни эшитган Абулхарис сувга тушган мушукдай шумшуйнб қолди. "Хожам, гунохимдан ўтинг. Юқоридагиларга айтинг, мени хам тортиб олишсин", — деб Синдбодга ялиништа тушди у. Синдбод унга тасалли бериб, халоскорларимга берарман, деган маънода ерда ётган тошлардан бир сиким терди. Куп утмасдан юкоридан аркон ташланди. Синдбод арконни белига махкам боғлади. Құрқоқ кемачи билан Абулхарис хикиллаганларича уни кузатиб қолишди. Қурқоқ кемачи бу ерда қолиб кетишдан, Абулхарис эса жавохирларидан ажралишдан қурқарди. Арқонни секин-аста юқорига тортишди. Синдбод қул-оёқлари билан тошларга тиралиб, узини эхтиётлаб кутарилиб борарди. Мана, булутлар хам пастда қолди. Кўп ўтмасдан уни тортиб олаётган одамлар кўзга чалинди. Улар орасидаги ёш, жингалак сочли новча йигит Синдбод томонга кучок очиб келарди. Синдбод яхширок қараб — унинг Қурқмас кемачи — Абулборий эканлигини курди. "Бормисан, Абулборий!" -деб бакириб юборди у. "Саломат бормисиз, хожам!" — деб унга салом берди Куркмас кемачи. "Хайрият тирик экансан, укам!" — деб уни багрига босди Синдбод. — Буёқларга қандай келиб қолдинг?" "Э, бунинг тарихи узун, — деди Куркмас кемачи. — Узингиз илонлар водийсига қандай тушиб қолдингиз?" "Менинг хам тарихим узун, — деди унга жавобан Синдбод. — Аввал ануви қўрқокни қутқарайлик, бўлмаса нақ юраги ерилиб ўлади-я..." "Бақалоқ ҳам сиз билан бирга экан-да? — деб сўради Кўркмас кемачи. — Майли, тортиб олсак олақолайлик", — деб арконни пастга ташлашди. Синдбод халоскорлари Абулборий ва унинг ёнидаги учтўрт шеригига ўз миннатдорчилигини билдириб,

Бош мухаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ



Тахрир хайъати: Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА? Сойнбжон ИСМОИЛОВ, Дилдора ТУРАХМЕТОВА, Сабохат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар: УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОКИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ, УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Газета 1929йил, Гавгустдан "Ленин учкуни"

номи билан чика бошлаган

киссасидаги тошлардан берди. Нихоят, Құрқоқ

Газета хафтанинг сешанба куни чикади

Бизнинг манзилгох:

Маълумот учун телефон: 33-44-25

700083. ТОШКЕНТ ШАХРИ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-уй. Нашр курсаткичи: 64563

"ШАРК" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва сахифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.